

**САМАРҚАН ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Тиб.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АПТАРОВ ЗАЙНИДДИН НОРМОНОВИЧ
(ЗАЙНИДДИН НОРМАН ЎҒЛИ)**

**ТОМИРЛАР ШИКАСТЛАНИШИ ВА УЛАР ОҚИБАТЛАРИНИНГ
ТАШХИСИ, ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИ
МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – юрак-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025 йил

УЎК: 616.13/16-001-036.8-07-089
Фан доктори(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral(DSc) dissertation

Аптаров Зайнидин Нормонович (Зайниддин Норман ўғли)

Томирлар шикастланиши ва улар оқибатларининг ташхиси, жарроҳлик
даволашни муқобиллаштириш3

Аптаров Зайниддин Нормонович (Зайниддин Норман угли)

Диагностика и оптимизация хирургического лечения
травматических повреждений сосудов и их последствий.....36

Аптаров Зайниддин Нормонович (Зайниддин Норман угли)

Diagnosis and optimization of surgical treatment of traumatic
vascular injuries and their consequences68

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....70

**САМАРҚАН ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Тиб.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АПТАРОВ ЗАЙНИДДИН НОРМОНОВИЧ
(ЗАЙНИДДИН НОРМАН ЎҒЛИ)**

**ТОМИРЛАР ШИКАСТЛАНИШИ ВА УЛАР ОҚИБАТЛАРИНИНГ
ТАШХИСИ, ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИ
МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 - юрак-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025 йил

Фан доктори (ДSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2022.4. ДSc/Ти6775-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) va "Ziyonet" (www.ziyonet.uz) ахборот-та'лим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович**
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Курбаниязов Зафар Бобожонович**
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Лазар Давидович
тиббиёт фанлар доктори, профессор, академик (Сербия)

Иоскевич Николай Николаевич
тиббиёт фанлар доктори, профессор (Беларусь)

Етакчи ташкилот: **Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
"Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети"
олий таълим федерал давлат бюджети таълим муассасаси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги ДSc.04/05.06.2020.Тиб.102.02-рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил 15 феврал соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18. Тел.: (99866) 233-07-66; faks: (99866); e-mail: sammu@sammu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (...рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18. Тел.: (99866) 233-07-66; faks: (99866)233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил 5 феврал куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У.Самиева,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлар доктори, профессор

А.С.Кубаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Шикастланган томир жароҳатлари ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволаш узок тарихга эга. Шунга қарамай, баъзи масалалар етарли даражада ҳал етилмаган ва келгусида ривожланишни талаб қилади. Томирлар шикастланишининг ташхиси ва жарроҳлик йўли билан даволаш замонавий ангиожарроҳликнинг долзарб муаммосидир. Ушбу муаммо бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган, улар томирлар шикастланишидан кейинги оқибатларининг ташхиси ва жарроҳлик даволашни муқобиллаштиришнинг технологиялари ва тамойилларини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлайдилар.¹⁻³

Сўнги йиллар асосий томирларнинг шикастланиши билан кечадиган жароҳатлар сонининг кескин ўсиши билан тавсифланади. Асосий томирларнинг шикастланиши билан: ўлим даражаси 15,4 дан 25,5% гача; бирламчи ампутация - 17,3%; реконструктив операциялардан кейин 9,6 - 12,2% кўпайган.²

Томирлар жароҳатларини жарроҳлик йўли билан даволашни муқобиллаштириш ва уларнинг оқибатлари, даволашга янги ёндашувлар ушбу патология ҳақидаги стандарт ғояларни ўзгартирди. Бугунги кунга қадар томирлари шикастланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси ва уларнинг оқибатлари бўйича мунозаралар давом этмоқда; бундай беморларни даволашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Бу нафақат клиника тажрибаси, балки клиниканинг асбоб-ускуна жиҳозига ва ресурслар билан таъминланишига ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан, беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган жарроҳлик аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини янада муқобиллаштириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида томирлар шикастланишларининг клиник кўриниши, ташхиси ва жарроҳлик даволаш усуллари ва уларнинг оқибатларини ўрганишга, шу жумладан, томирларнинг травматик шикастланишлари натижасида маҳаллий ва умумий гемодинамиканинг таъсирини ўрганишга қаратилган қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Томирлар шикастланишининг оқибатлари: сохта аневризм, артериовеноз оқма ва ятроген аневризмлар инсон саломатлиги учун хавфли бўлиб, аста-секинлик билан аневризм катталашиб, ёрилишга олиб келади. ТАВО эса, юрак етишмовчилигини кучайтиради. Агар сохта аневризм етиш қийин жойда жойлашган бўлса, жарроҳлик амалиёти пайтида жарроҳ жуда кўп қон йўқотиш хавфи туғдириши мумкин.

¹Brenner M., Hoehn M., Pasley J. et al. Basic endovascular skills for trauma course: bridging the gap between endovascular techniques and the acute care surgeon// J. Trauma Acute Care Surg. 2014; 77(2)286–291.

² D.Din NU, Berlas FT, Rehman KU, Ali G, Salahuddin F, Mumtaz A. Outcomes of Femoral Artery Pseudoaneurysm in Intravenous Drug Abusers Managed at a Tertiary Care Center. Cureus. 2021 Feb 15;13(2):e13350.doi: 10.7759/cureus.13350.PMID: 33643755

³Finn JP, Lawrence PF. Defining anatomy and blood flow in the threatened limb rising to the challenge with noninvasive imaging. *Circ Cardiovasc Imaging*. 2018;11(5):e007726.PMID:29748313.

Операциядан олдинги қон кетишнинг олдини олувчи чора-тадбирлар шу кунгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса, томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатларини муқобиллаштиришни талаб қилади. Маҳаллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтиришга, томирлари шикастланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини ва уларнинг оқибатларининг олдини олишнинг замонавий тамойилларини, ташхиси ва тактикасини жорий этиш орқали яхшилашга қаратилган жарроҳлик даволашнинг кўплаб чора-тадбирларини ўз ичига олади. “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегияси”да аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари белгиланган.⁴

Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатлари, операциядан олдинги даврда бемор оёқ-қўлларининг ишемияси, жарроҳлик аралашуви тури, реконструктив жарроҳликнинг босқичма-босқич ва муддатлари билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бугунги куннинг долзарб йўналишларидан биридир. Ушбу патология томир жарроҳлигида тиббиётда юқори тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4891-сонли қарори билан тасдиқланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда. 2020-йил 4-октябрдаги ПҚ-5254-сонли “Жарроҳлик хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Томирлардаги шикастланишлар сонини камайтириш ва жарроҳлик даволашни такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган юқори технологик жарроҳлик ёрдам сифатини оширишга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи халқаро илмий марказлари ва университетларида, шу жумладан:

National Surgical Research Collaborative (London, United Kingdom), Azan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea), Surgery Department, Hopital Sud, Centre Hospitalier Universitaire (Rennes, France), BMI The Princess Margaret Hospital (Буюк Британия), Fresno Heart & Surgical Hospital (АҚШ), Astana Medical University (Астана, Қозоғистон), И. И. Жанелидзе номидаги Санкт-Петербург шошилич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти(Санкт-Петербург, Россия), Н.В.Склифосовский номидаги тез тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти (Москва, Россия), "Академик Б.В.Петровский номидаги Россия жарроҳлик илмий маркази" Федерал давлат бюджети илмий муассасаси (Москва, Россия), Республика Шошилич Тиббий Ёрдам Илмий Маркази(Тошкент, Ўзбекистон), Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "А.В.Вишневский номидаги Миллий тиббий тадқиқот маркази" Федерал давлат бюджети муассасаси (Москва, Россия), А.Н.Бакулев номидаги юрак - томир жарроҳлиги миллий тиббий тадқиқот маркази Федерал давлат бюджет муассасаси (Москва, Россия), "Украина Миллий фанлар академиясининг инновацион тиббий технологиялар маркази" давлат илмий муассасаси (Украина), Кўп тармоқли эндохирургия ва литотрипсия тиббиёт маркази (Россия), академик И.П.Павлова номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Санкт-Петербург, Россия), академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббий маркази, Тошкент Тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон) каби ташкилотларда амалга оширилмоқда.

Томирлари шикастланган беморларни ва уларнинг оқибатларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бутун дунё бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли хил ечимлар тақдим этилган. Шунингдек, томирларнинг шикастланиши ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси масаласи долзарб эканлиги ва операцияларнинг тактикаси, босқичлари ва ҳажми бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмаслиги аниқланди, бу эса, ушбу муаммони янада жиддий ўрганишни талаб қилади ва ҳар бирига алоҳида ёндашиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда томирлари шикастланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари ва уларнинг оқибатларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Беморларнинг ушбу гуруҳининг барқарор ўсиши, даволаш тактикасига ёндашувларнинг ноаниқлиги ва ятроген аневризм, травматик артериал аневризм ва травматик артериовеноз оқма билан оғриган беморларни даволашнинг қониқарсиз натижалари ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини тақозо этади. Ушбу клиник жиҳатларни янада чуқурроқ ўрганиш, замонавий ташхисий усулларининг пайдо бўлиши, жарроҳликда янги эндоваскуляр технологиялар ва травматик томир патологияси оқибатларини замонавий тушуниш, шубҳасиз, жарроҳлик

даволаш тактикаси муаммосини янги нуқтаи назардан ўрганиш имконини беради.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Айни пайтда замонавий тадқиқотлар томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатларини эрта ташхислашни муқобиллаштириш, уларни ўз вақтида даволаш ҳамда жарроҳлик йўли билан даволаш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Бироқ ЯА, ТАА, ТАВО ташхиси ва даволаш прогнозини ўрганишга бағишланган кўплаб ишларга қарамасдан, ҳали ҳам ечимни талаб қиладиган кўплаб саволлар мавжуд.⁵

Тўпланган тажриба даволаш натижаларини башорат қилиш учун беморларни операциядан олдин текширишни стандартлаштириш зарурлигини кўрсатади. Ушбу муаммонинг муҳим жиҳатларидан бири – жарроҳлик даволашни танлаш ва муқобиллаштиришнинг замонавий тактикасини ишлаб чиқишдир. Улар билан бир қаторда, даволаш натижаларини баҳолаш, замонавий ангиожарроҳликнинг анъанавий операциялари билан солиштирганда сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиш керак.⁶⁻⁷ Таъкидлаш жоизки, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий жарроҳлик марказида томир жароҳатлари ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича тўпланган тажриба ушбу йўналишдаги илғор тиббиёт муассасаларининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жарроҳлик даволашни тўғри танлаш ва муқобиллаштириш яхши натижалар беради. Шундай қилиб, томирлар шикастланишининг оқибатларини бартараф этиш бўйича жарроҳлик аралашув беморларни ятроген аневризм (ЯА), травматик артериал аневризм (ТАА) ва травматик артериовеноз оқма (ТАВО) бартараф қилинган ёки ажратилгандан кейин даволашда яхши натижаларга эришишга имкон берди.

Ушбу илмий иш томирларининг шикастланиши ва унинг оқибатлари, клиник кўриниши, ташхиси ва жарроҳлик йўли билан даволашга бағишланган. Бир қатор тадқиқотчилар уларнинг натижалари қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда операция олдидан текширув ўтказиш ва муқобил операцияларни ўз вақтида қўллаш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан биридир.⁸⁻¹⁰ Қайд этилишича, шу кунгача қўлланилган қайта тиклаш операциялари етарли даражада ҳал этилмаган.¹¹⁻¹² Шунинг учун бугунги кунга мос келадиган янги усуллардан фойдаланиш лозим.

⁵ Patel, J. A., White J.M., White P.W. et al. A contemporary, 7-year analysis of vascular injury from the war in Afghanistan // J. Vasc. Surg. 2018;68, (6):1872–1879.

⁶Sessa M, Tonni D, Salsi D, Bodini FC, Michieletti E, Cuda D. Management of radial artery pseudoaneurysm in radial forearm free flap: case report and review of the literature. Radiol Case Rep. 2018;14(1):10-3. Available from: <https://doi.org/10.1016/j.radcr.2018.08.021>.

⁷Калмыков Е.Л., Гаиров А.Д., Нейматзода О., Шарипов М.А., Баратов А.К. Некоторые аспекты ятрогенных повреждений сосудов. Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова. 2021;4:85–91. <https://doi.org/10.17116/hirurgia202104185>

⁸Рязанов А. Н., Сорока В. В., Нохрин С. П., Михельсон Е. П., Магамедов И. Д., Платонов С. А., Киселев М. А. Клинический случай успешного лечения ложной аневризмы подключичной артерии. Вестник хирургии имени И. И. Грекова 2019;178(2):69–72. DOI: 10.24884/0042-4625-2019-178-2-69-72.

⁹Фоминых Н.М., Зулъкарнаев А.Б., Гегенава Б.Б., Карданахишвили З.Б. Эндоваскулярное разобщение артериовенозной фистулы у больной с ишемией руки//Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова. 2019;(6):111-116.

¹⁰Cano-Trigueros E, Díaz-Serrano R. Posttraumatic pseudoaneurysm of the axillary artery presenting as an axillary tumor. Cir Esp. 2018; 96(7):451. <https://doi.org/10.1016/j.ciresp.2017.11.010>

¹¹Turner C.A., Stockinger Z.T., Gurney J.M. Vascular surgery during U.S. combat operations from 2002 to 2016: Analysis of vascular procedures performed to inform military training // J. Trauma Acute Care Surg. 2018; 85(1): S145–S153.

¹²Папоян С.А., Щеголев А.А., Черная Н.Р.З, Хуторной Н.В., Сазонов М.Ю. Эндопротезирование аневризмы подвздошной артерии браншей от стент-графта anacoconda //Ангиология и сосуд, хирургия. 2021;4: 152.

Турли реконструктив операцияларни қўллашда баъзи камчиликлар мавжудлиги қайд этилган. Натижада беморни даволашнинг дарҳол ва узок муддатли натижаларига салбий таъсир кўрсатади.Шунинг учун томирларнинг шикастланиши ва уларнинг оқибатларини аниқлаш жарроҳлик йўли билан даволашни таъминлашни янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Ушбу беморларда очик жарроҳлик пайтида рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзиясидан фойдаланиш дарҳол ва узок муддатли натижаларни яхшилашга олиб келади. Ушбу усулнинг кенг клиник татбиқ этилиши замон талабларига мосдир. Томир жароҳатларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси ва уларнинг оқибатлари бўйича жаҳон адабиётининг таҳлили жарроҳлик тактикасига ягона ёндашув йўклигини кўрсатди. Артериал реваскуляризациянинг янги усулларини жорий этиш, томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатларини ташхислаш тактикасини ишлаб чиқиш, шунингдек, операция пайти ва операциядан кейинги асоратларни даволаш чораларини муқобиллаштириш даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам беради. Шундай қилиб, томир жароҳатларини ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси масаласи долзарб бўлиб, замонавий томир жарроҳлигида бутунлай ҳал этилмаган ва янги ишланмаларни жорий этишни талаб қилади.

МДХ мамлакатларида, жумладан, юртимизда ҳам бу муаммо ўз ечимини кутмоқда. Шундай қилиб, томирлар шикастланиши ва улар оқибатлари билан оғриган беморларда кечаётган муаммолар замонавий томирлар жарроҳлигида яна қайта кўриб чиқишни давом эттириш ва янги ишланмалар жорий қилишни талаб қилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Академик В.Воҳидов номидаги Республика хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази”нинг профилактика-терапевтик лойиҳалари доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: очик, гибрид жарроҳлик аралашувлар орқали томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Томирлар шикастланишининг клиник белгилари, сабаблари, табиати ва частотасини, оқибатлари билан суяк ва томирлар шикастланишининг мураккаблик даражасини аниқлаш. Суяк-томир шикастланишлар таснифини ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш.

Томирларнинг шикастланиши ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволаш ташхисий усуллари ва технологияларининг муқобул мажмуасини аниқлаш.

Ятроген томир шикастланишларининг этиологияси, клиник оқибатларининг хусусиятларини аниқлаш, даволаш-тактик ҳаракатлар алгоритмини ва уларнинг ишчи таснифини ишлаб чиқиш.

Томирларнинг шикастланиши ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг оптимал тактикасини таклиф қилиш.

Турли анатомик соҳаларда содир бўлган томир шикастланишлари ва уларнинг оқибатларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ташхис-даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Томирларнинг шикастланиши ва уларнинг оқибатларини даволашда реконструктив жарроҳликнинг турли усулларини қўллашнинг бевосита ва узок муддатли натижаларини таҳлил қилиш.

Гибрид технологиядан қийин жойлашган томирлар шикастланишлари ва уларнинг оқибатларида қўллаш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 1980-2018-йилларда томирлари шикастланиши ва уларнинг оқибатлари билан оғриган 271 нафар бемор операция қилинди ва ўрганилди. Бундан ташқари, РЭВТО (рентгенэндоваскуляр томир окклюзияси) томирлар шикастланиши ва уларга етиш қийин бўлган жойлардаги оқибатлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети. Томирларининг шикастланишлари ва уларнинг оқибатларини турли хил тактика ва усулларни ҳар томонлама таҳлил қилиш. Тадқиқот РЭВТО ёрдамида реконструктив операцияларга турли ёндашувлар самарадорлигини баҳолашга мўлжалланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари ва асосларини ҳисобга олган ҳолда замонавий клиник, инструментал, лаборатория ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Беморларда касалликнинг ташхиси клиник кўриниш ва махсус тадқиқот усуллари, масалан, ультратовуш (ультратовуш), рентген-контрастли ангиография, томир контрасти билан кўп қисмли компьютер томографияси (МСКТ) ва статистик тадқиқот усуллари асосида белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

проспектив когорт таҳлилилар асосида томирлар шикастланишининг асосий сабаби (ўткир тигли жароҳатлар) ва учраш частотаси (қўл ва оёқлар томирлари шикастланганда-94,9%, қўл-оёқ суякларининг синишида-14,3%, асаб толаларининг шикастланишида-14,5%) аниқланган;

томирлар шикастланиши оқибатларини ташхислаш учун ультратовушли доплерографияда (томир стенози, окклюзияси ва томир ичи тикини), дуплекс сканерлашда (томирлар девори яллиғланиши, тромбоз ва субстратлар), кўпқиррали компьютер томографияда (аневризм, артериовеноз мальформацияси, аплазии и гипоплазии, ангиоматоз, артериовеноз оқмалар) белгиларни аниқлаш орқали улар энг мақбул диагностика усуллари эканлиги асосланган;

илк бор жарроҳлик йўли билан етишиш қийин бўлган жойлашувдаги томирлар шикастланишида жарроҳлик даволаш усули сифатида рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзиясини қўллаш натижасида

операция вақтининг қисқариши, қон кетишининг олдини олиниши, жарроҳлик аралашувлар пайтида операцион майдоннинг қуруқлигини таъминлашишага эришилган ва назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар 11,5 ($p < 0,05$) баробар самарали эканлиги исботланган;

суяк-томир травматик шикастланишида суяк синиқларини остеосинтез амалиётида томирлар бутунлигини кетма-кетликда қайта тиклаш орқали периферик қон айланиш ва маҳалий трофикани яхшиланиши туфайли 78,8% беморларда суяк тўқимаси репарацияси ошиши ҳисобига суякнинг самарали битиши ва ампутациялар олди олинганлиги аниқланган;

етишиш қийин бўлган жойлашувдаги томирлар жароҳатлари оқибатларини даволашни қиёсий баҳоланганда назорат гуруҳида ижобий натижалар 82,14%ни асосий гуруҳда эса 93%ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларн иборат:

бошқа усуллар ёрдамида ташхис қўйиш, оптимал тактика ва жарроҳлик аралашув усулини танлашга имкон берувчи ташхис ва даволаш ҳаракатлар алгоритми ишлаб чиқилган;

рентгенэндоваскуляр томир окклюзиясини амалга оширишнинг босқичма-босқич усули ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди, бу бошқа усулларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга: минимал травма, томир анастомозини қўйишда кенг имконият яратади ва талабларга тўлиқ риоя қилишни таъминланган;

ишлаб чиқилган рентгенэндоваскуляр томир окклюзияси усулидан фойдаланган ҳолда даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш жарроҳлик ва операциядан кейинги функционал оқибатларнинг ривожланиш хавфининг сезиларли даражада камайиши, шунингдек, эҳтимоллиги туфайли бошқа жарроҳлик усулларига нисбатан юқори самарадорлиги кўрсатилган;

ЯА, ТАА ва ТАВО да ишлаб чиқилган ташхис ва даволаш тактикасига кўра, кўрсатмаларни аниқлаган ҳолда ва даволаш усулини танлашни муқобиллаштиришда ўтказилган операциялар ушбу касалликнинг қайталаниши ва салбий оқибатларининг камайиши, шунингдек, самарадорлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳволини баҳолашнинг клиник, объектив мезонларини қўллаш, шунингдек, замонавий ташхис ва даволаш усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик тадқиқот усуллари қўллаш билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар ушбу касаллик ташхисининг замонавий ютуқларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, касалликнинг кечиш хусусиятларини аниқлашга ва ЯА, ТАА ва ТАВО ни даволаш ва прогноз қилиш учун жарроҳлик тактикасини танлашни муқобиллаштиришга катта ҳисса қўшади. Тадқиқот натижалари касалликнинг мумкин бўлган асоратлари билан ривожланишини кейинги ўрганиш ва таҳлил қилиш учун асос бўлиб, янги рақобатбардош ташхис ва даволаш усуллари ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари,

иш ЯА, ТАА ва ТАВО билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашда талабалар, курсантлар, магистрлар, шунингдек, клиник ординаторлар учун ўқув дастурлари мазмуни ва тузилмасини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижаларга асосланиб, томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатлари билан оғриган беморларни ташхис қўйиш ва жарроҳлик даволашнинг тактик ва техник жиҳатлари муқобиллаштирилди, бунинг натижасида томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатларининг ривожланиш хавфи камаяди ва операциядан кейинги эрта ва кеч даврида қониқарсиз натижалар сонини камайтириш ва касалхонага ётқизиш муддати қисқартирилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 25.09.2024 йилдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси асосан:

биринчи илмий янгилик. проспектив когорт таҳлилилар асосида томирлар шикастланишининг асосий сабаби (ўткир тўғли жароҳатлар) ва учраш частотаси (қўл ва оёқлар томирлари шикастланганда-94,9%, қўл-оёқ суяқларининг синишида-14,3%, асаб толаларининг шикастланишида-14,5%) аниқланган. Тинчлик давридаги томирларининг шикастланиши 4% ҳолларда, 94,9% эса қўллар ва оёқларнинг томирлари шикастланиши кузатилди. Қўл-оёқ суяқларининг синиши 14,3%, асаб толаларининг қўшимча шикастланиши эса 14,5% ҳолларда содир бўлган. Қўпинча томир бирга шикастланади, чунки улар билан бирга нервлар, мушаклар ва бошқалар зарар кўради. Шу билан бирга, томир шикастларини жарроҳлик даволаш ташхиси ва тактикаси ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга. Бундан ташқари биз томондан ишлаб чиқилган тасниф катта рол ўйнайди. Таянч-ҳаракат аъзоларининг шикастланишлари қуйидагилар бўйича таснифланди: сабаблари: автомобил транспорти; қишлоқ хўжалиги ишлари; тўмтоқ травма; ўқдан олган жароҳатлари; баландликдан тушиш; спорт мусобақалари, санчилик-кесилган ва бошқалар. Биз таклиф қилаётган таснифимиз асосида тиббиёт муассасаларининг томир жарроҳлик бўлимларида томир-суяқлари шикастланган беморларни деярли барчасига ёрдам кўрсатади. Биз таклиф этган тасниф ўз вақтида ташхис қўйишга хизмат қилади ва тактикани танлашда катта рол ўйнайди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Курск Давлат тиббиёт институтининг клиникасида (28.07. 2023 й) амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган натижалар касалликларнинг асоратларини олдини олиш учун хизмат қилди. Бу эса маблағи тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлади. Вақтни эса 3-5 кунга қисқартирилди. Хулоса: тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Шифохонада ётган беморларни ётиш вақти қисқартилди, $23,27 \pm 13,11$, $p < 0,05$ ташкил қилди. Олинган натижалар анача самарали бўлиб чиқди.

иккинчи илмий янгилик: томирлар шикастланиши оқибатларини ташхислаш учун ультратовушли доплерографияда (томир стенози, окклюзияси ва томир ичи тикини), дуплекс сканерлашда (томирлар девори яллиғланиши, тромбоз ва субстратлар), кўпқиррали компьютер томографияда (аневризм артериовеноз мальформацияси, аплазии и гипоплазия, ангиоматоз, артериовеноз оқмалар) белгиларни аниқлаш орқали улар энг мақбул диагностика усуллари эканлиги асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: беморларга ўз вақтида аниқ ташхис қўйишга олиб келди. Натижада асоратлар ва ташхис қўйишдаги хатоликлар кам кузатилди. Хулоса: ўрнида шуни айтиш мумкинки, биз томонимиздан қўлланилган замонавий усуллар аниқ ташхис қўйишга имкон яратди. Бу усуллар ичида МСКТ усули жуда аниқ ташхис қўйишда ас қотади.

учинчи илмий янгилик: илк бор жарроҳлик йўли билан етишиш қийин бўлган жойлашувдаги томирлар шикастланишида жарроҳлик даволаш усули сифатида рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзиясини қўллаш натижасида операция вақтининг қисқариши, қон кетишининг олдини олиниши, жарроҳлик аралашувлар пайтида операцион майдоннинг куруқлигини таъминлашига эришилган ва назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар 11,5 ($p < 0,05$) баробар самарали эканлиги исботланган. Биз таклиф қилган усул сон артериясига кирган ҳолда эндоваскуляр аралашувлар вақтида ятроген псевдоаневризмни даволаш тактикасини танлаш усули гемодинамика кўрсаткичларини, бемор шикоятларини текшириш, сон артерияси (СА) пункцияси жойини кўздан кечириш, СА пункция жойини пальпациялаш ва СА проекциясида оғриқни, аускультацияни аниқлашни ичига олади. Сўнгра симптомлар ифодаланганлиги даражасига боғлиқ равишда кўрсаткичларнинг қийматлари балларда баҳоланади. Барқарор гемодинамикада 1 балл (б), нобарқарор гемодинамикда (20% га пасайишда) 5 балл баҳо берилади. Бемор СА пункция жойида дискомфортга шикоят қилганида 1 балл, СА пункция жойида ўртача оғриққа шикоят қилганда 2 балл, СА пункция жойида кучли оғриққа шикоят қилганда 5 балл баҳо берилади. Ташқи кўздан кечириш чоғида СА пункция жойида сезиларсиз дўппайиш аниқланганда 1 балл, пульсацияланувчи гематома аниқланганда 5 балл баҳо берилади. СА проекцияси аускультациясида систолик шовқин мавжуд бўлмаган тақдирда 1 балл, систолик шовқин мавжуд бўлганида 5 балл баҳо берилади. Баллар суммаси 4-5 га тенг бўлганида консерватив даволаш ва кузатув тавсия қилинади. Баллар суммаси 20 га тенг бўлганида сон артериясига кирган ҳолда эндоваскуляр аралашувлар вақтида ятроген псевдоаневризмни жарроҳлик билан даволаш тавсия қилинади. Бундан ташқари ятроген томир шикастланишларининг этиологияси ва клиник белгилари аниқланган ва оқибатлари билан ятроген шикастланишларнинг ишчи таснифи таклиф қилинган. Патент №FAP 2510, 05.06.2024. Гродно Давлат тиббиёт университетининг клинкаси ва кафедраларида (09.11.2023 й.) ва Курск Давлат тиббиёт университетининг клиникасида 04.07.2023 йилда амалиётга жорий этилди. Хулоса: тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қуйидаги хулосага

келишимиз мумкин. Янги замонавий, усуллардан фойдаланиб қўйилган ташхис натижасида натижалар яхши бўлишига олиб келди. Даво натижалари самарали бўлиши билан бир пайтда шифохонада ётиш кунлари анча қисқарганлигига гувоҳ бўламиз, $15,11 \pm 9,64$, $p < 0,05$.

тўртинчи илмий янгилик: суяк-томир травматик шикастланишида суяк синиқларига остеосинтез қўйиш амалиётида томирлар бутунлигини кетма-кетликда қайта тиклаш орқали периферик қон айланиш ва маҳаллий трофикани яхшиланиши туфайли 78,8% беморларда суяк тўқимаси репарацияси ошиши ҳисобига суякнинг самарали битиши ва ампутациялар олди олинганлиги аниқланган. Рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзияси НГ-28($44,9 \pm 0,41$), АГ-14($3,8 \pm 0,66$), $p < 0,05$ операция жараёнида вақтни қисқариши, қон кетишини камайтириши, шунингдек, жарроҳлик аралашувлар пайтида операцион майдонни қуруқлигини таъминлаши исботланди. Аневризм ва оқмалар бўйича реконструктив жарроҳликнинг рентгенэндоваскуляр тўлиқ томир окклюзиясига асосланган юқори самарадорлиги аниқланди, айниқса уларга етиш қийин бўлган жойларида. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд кўп тармоқли тиббиёт маркази(24.08.2024 й.; №125), Курск давлат тиббиёт университети 04.07.2023й, Барселона томирлар жарроҳлиги ва эндоваскуляр клиникасида 10.10.2023й. Жакарта юрак-томир Миллий маркази 16.11.2023й. ва Белград Давлат университети клиникасида 09.09.2024 буйруқ №3 амалиётга жорий этилди. Иқтисодий самарадорликни баҳолаш: таклиф этилаётган усулнинг самарадорлиги унинг тиббий самарадорлиги, ижтимоий самарадорлиги ва иқтисодий самарадорлигига асосланади. Тиббий самарадорлик беморларни тўлиқ текшириш ва барча хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда асоратларни камайтиришдан иборат. Биз томонидан таклиф этилган ташхис ва даволаш алгоритмидан РЭВТО билан биргаликда мақсадли фойдаланиш даволаниш нархини сезиларли даражада пасайтирди. Ушбу формула вақт ва пулни тежашни англади. Вақтни тежаш ($t_1 - t_2$) (15-8) 7 кун. Сақланган сумма ($t_1 \times p$) - $12 \times p^2$ (15×1000000) - ($8 \times 1000000 \times 7$) 373,33 сўм. Артерияларнинг 1 та жароҳатдан кейинги аневризмани даволашдан иқтисод қилинган маблағ 373,33 минг сўмни ташкил этади. Хулоса: тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Янги замонавий, тавсия этилаётган даволаш усули жуда самаралиги қуриниб турибди. Рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзияси НГ-28($44,9 \pm 0,41$), АГ-14($3,8 \pm 0,66$), $p < 0,05$ операция жараёнида вақтни қисқариши, қон кетишини камайтириши, шунингдек, жарроҳлик аралашувлар пайтида операцион майдонни қуруқлигини таъминлаши исботланди. Етиш қийин бўлган жойлашувдаги томир жароҳатлари оқибатларини даволаш натижаларини қиёсий баҳоланди: назорат (НГ)да яхши - 23 (82,14%) кўрсатди; қониқарли - 5 (17,86%); асосий (АГ): яхши-13 (93%); қониқарли - 1 (7%) эса, $p < 0,05$. Узок муддатли натижалар: назорат гуруҳи (НГ) яхши - 15 (75%) ва асосий гуруҳ (АГ) яхши - 9 (81,8%) ташкил қилди. Хулоса: тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Янги

замонавий усуллардан фойдаланиш натижасида ўз вақтида ташхис қўйиш ва тактикани тўғри танлаш яхши натижаларга олиб келади. Биз қўллаган ташхис-даволаш алгоритми билан РЭВТО бирга қўлланиши операция пайти кон кетишни олдини олади, бемалол қийналмасдан ишлашага ва вақтни қисқартиришга олиб келади ўртача 1-2 соатга.

бешинчи илмий янгилик: етишиш қийин бўлган жойлашувдаги томирлар жароҳатлари оқибатларини даволашни қиёсий баҳоланганда назорат гуруҳида ижобий натижалар 82,14%ни асосий гуруҳда эса 93%ни ташкил этганлиги аниқланган. Рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзияси НГ-28(44,9±0,41), АГ-14(3,8±0,66), $p < 0,05$ операция жараёнида вақтни қисқариши, кон кетишини камайтириши, шунингдек, жарроҳлик аралашувлар пайтида операцион майдонни қуруқлигини таъминлаши исботланди. Аневризм ва оқмалар бўйича реконструктив жарроҳликнинг рентгенэндоваскуляр тўлиқ томир окклюзиясига асосланган юқори самарадорлиги аниқланди, айниқса уларга етиш қийин бўлган жойларида. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд кўп тармоқли тиббиёт маркази(24.08.2024 й.; №125), Курск давлат тиббиёт университети 04.07.2023й, Барселона томирлар жарроҳлиги ва эндоваскуляр клиникасида 10.10.2023й. Жакарта юрак-томир Миллий маркази 16.11.2023й. ва Белград Давлат университети клиникасида 09.09.2024 буйруқ №3 амалиётга жорий этилди. Иқтисодий самарадорликни баҳолаш: таклиф этилаётган усулнинг самарадорлиги унинг тиббий самарадорлиги, ижтимоий самарадорлиги ва иқтисодий самарадорлигига асосланади. Тиббий самарадорлик беморларни тўлиқ текшириш ва барча хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда асоратларни камайтиришдан иборат. Таклиф этилган ташхис ва даволаш алгоритмидан РЭВТО билан биргаликда мақсадли фойдаланиш даволаниш нархини сезиларли даражада пасайтирди. Ушбу формула вақт ва пулни тежашни англатади. Вақтни тежаш ($t_1 - t_2$) (15-8) 7 кун. Сақланган сумма ($t_1 \times p$) - $12 \times p^2$ (15 x 1.000.000) - (8 x 1.000.000 x 7) 373,33 сўм. Артерияларнинг 1 та жароҳатдан кейинги аневризмани даволашдан иқтисод қилинган маблағ 373,33 минг сўмни ташкил этади. Хулоса: тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қўйидаги хулосага келишимиз мумкин. Янги замонавий, тавсия этилаётган даволаш усули жуда самаралиги қуриниб турибди. Рентгенэндоваскуляр вақтинчалик томир окклюзияси НГ-28(44,9±0,41), АГ-14(3,8±0,66), $p < 0,05$ операция жараёнида вақтни қисқариши, кон кетишини камайтириши, шунингдек, жарроҳлик аралашувлар пайтида операцион майдонни қуруқлигини таъминлаши исботланди. Этиш қийин бўлган жойлашувдаги томир жароҳатлари оқибатларини даволаш натижаларини қиёсий баҳоланди: назорат (НГ)да яхши - 23 (82,14%) кўрсатди; қониқарли - 5 (17,86%); асосий (АГ): яхши-13 (93%); қониқарли - 1 (7%) эса, $p < 0,05$. Узоқ муддатли натижалар: назорат гуруҳи (НГ) яхши - 15 (75%) ва асосий гуруҳ (АГ) яхши - 9 (81,8%) ташкил қилди. Хулоса: тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, биз қўйидаги хулосага келишимиз мумкин. Янги замонавий усуллардан фойдаланиш натижасида шз вақтида ташхис қўйиш ва

тактикани тўғри танлаш яхши натижаларга олиб келади. Биз қўллаган ташхис-даволаш алгоритми билан РЭВТО бирга қўлланиши операция пайти қон кетишни олдини олади, бемалол қийналмасдан ишлашага ва вақтни қисқартиришга олиб келади ўртача 1-2 соатга.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Ушбу тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий конференция, конгресс ва сессияларда, жумладан, 11 та халқаро ва 1 та республика миқёсида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган етакчи халқаро илмий журналларда чоп этилган 17 та иш, 1 та DGU, 1 та фойдали модел патенти, 2 та си услубий тавсиялар ва 1 та монография.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулосалар, келтирилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Иш ҳажми 197 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб берилган, объектлар ва предметлар тавсифланади. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти келтирилган. Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги очиб берилди, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Томирлар шикастланиши ва улар оқибатларининг муаммосини бугунги ҳолати”** деб номланган биринчи бобда адабиётлар шарҳи кетирилган, шунингдек ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.

“Қўлланиладиган материаллар ва тадқиқот усулларининг клиник хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда материаллар, усуллар ва тадқиқот натижаларининг хусусиятлари келтирилган. Бизнинг назоратимиз остида 1980-2018-йилларда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказида томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатлари билан касалланган 271 нафар бемор стационар даволанди. Барча текширилган беморларнинг: 138 (50,9%) – томир шикастланишлари, 22 (8,1%) – суяк-томир шикастланишлари, 20 (7,3%) – ятроген шикастланишлар (ЯА), ТАА – 61 (22,5%) ва ТАВО – 30 (11%) беморлар. Беморларнинг жинси таркиби: 10-70 ёшдаги 235 (86,7%) эркаклар ва 36 (13,2%) аёллар, беморларнинг ўртача ёши $29,25 \pm 11,51$ ёш. Биз кузатган беморлар 5 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ – томир шикастланишлари (138 киши), 2-гуруҳ – суяк-томир шикастланишлари (22 киши), 3-гуруҳ – ятроген томир шикастланишлари ва ЯА - (20 киши), 4-гуруҳ – ТАА (61 киши), 5-гуруҳ – ТАВО (30 киши). Ушбу гуруҳлардаги беморлар иккига бўлинади: назорат гуруҳи (НГ) ва асосий гуруҳ (АГ). НГ (назорат гуруҳи)даги беморлар 1980-2000 йилларда операция қилинган. 2000-2018 йиллар АГ (асосий гуруҳ) билан оғриган беморлар операция қилинди.

Гуруҳлар НГ ва АГда бажарилган касалликлар ва операциялар бўйича таққосланди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Беморларнинг касаллиги ва бажарилган ташмирлар бўйича қиёсий таҳлил қилиш, n=266

Касалликлар	Назорат (НГ)		Асосий (АГ)		Жами		P
	Беморлар	Операция	Беморлар	Операция	Беморлар	Опер	
Томирлар шикасти							
Суяк-томир шикасти	110(80,4%)	110(80,4%)	28(20,22%)	28(20,2%)	138	138	p<0.05
Ятроген шикасти –ЯА	16(72,7%)	16(72,7%)	6(27,2%)	6(27,2%)	22	22	p<0.05
ТАА	11(55%)	11(55%)	9(45%)	8(42,1%)	20	19	p<0.05
ТАВО	38(62,2%)	34(59,6%)	23(37,7%)	23(40,3%)	61	57	p<0.05
Жами:	11(36,66%)	11(36,66%)	19(63,33%)	19(63,3%)	30	30	p<0.05
	186(68,6%)	182(68,4%)	85(31,3%)	84(31,5%)	271	266	p<0.05

Томирлари шикастланган беморларни касалхонага ётқизиш давомийлиги $14,34 \pm 10,65$ гача, 2000 йилгача 110 (80,4%) бемор томирлари шикастланиши билан (НГ) $17,58 \pm 11,58$ ётқизилган бўлса, 2000-2018 йилларда 85 (31,3%) бемор (АГ) $14,57 \pm 9,48$, $p>0,05$. 2.2-жадвалда "Касалхонага ётқизилган кунлар" кўрсаткичи бўйича асосий ва назорат гуруҳларини таққослаш натижалари келтирилган.

№ 2.2-жадвал

Касалхонага ётқизиш давомийлиги бўйича назорат ва асосий гуруҳларини қиёсий таҳлил қилиш

Кўрсаткичи	M ± S (N=183) Назорат гуруҳи(НГ)	M ± S (N=83) Асосий гуруҳ(АГ)	P
	Шифохонада ётган кунлар	17,58 ± 11,58	14,57 ± 9,48

Мазкур жадвал шуни кўрсатадики, гуруҳлар (НГ ва АГ) статистик аҳамиятсиз ва касалхонага ётқизиш муддатида фарқланади (параметрик бўлмаган Mann-Whitney тести, $p>0,05$). Асосий гуруҳда (АГ) касалхонага ётқизиш муддати ўртача 3 кунга камроқ бўлган.

2.2. Томирлар шикастланиши ва уларнинг оқибатларини ўрганиш усуллари.

Беморларни текширишда сўроқ ва тарихни билиш муҳим ўрин тутди. Бундай ҳолда, операциядан олдин ва кейин томирларнинг ҳолатига ва томир жароҳатлари оқибатларининг юзага келишига алоҳида эътибор берилади. Беморлар билан мулоқотда бўлганимизда, биз узоқ вақт давомида тиббиёт ходимлари, хусусан, ЯА, ТАА ва ТАВО томирлар шикастланишининг оқибатларини билан шифокорга кўринмаганлигига амин бўлдик.

Беморлар “академик В.Воҳидов номидаги РИЖИАТМ” ДМ марказига ётқизилишдан олдин фақат бирламчи жароҳатга ишлов бериш (БЖИБ) бошқа шифохоналарда ўтказилган.

Таъкидлаш жоизки, 12 нафар (14,6%) бемор РИЖИАТМга ётқизилишидан олдин томирларининг турли кўринишдаги шикастланишлари бўйича турли операцияларни ўтказган.

266 (98,5%) беморга академик В.Воҳидов номидаги РИЖИАТМда турли хил жарроҳлик аралашувлар ўтказилди. Бу ерда томир жароҳатлар касаллигини ва уларнинг оқибатларини фарқлаш имконини берувчи текшириш босқичларига амал қилинган.

Текширув босқичларига қуйидагилар киради:

- касаллик анамнезини йиғиш;
- умумий клиник текширув;
- томирлар ва аортанинг ультратовуш текшируви (доплерография, дуплекс сканерлаш);
- патологияни аниқлаш учун рентгенологик тадқиқотлар (ангиография, КТ, МРТ, МСКТ).
- лаборатория тадқиқот усуллари.

Биринчи бобда томир жароҳатларининг клиник масалалари, ташхиси ва жарроҳлиқ даволаш усуллари баён этилган.

Икки тадқиқот гуруҳининг НГ ва АГ таққослашлари параметрик бўлмаган Mann-Whitney усулида амалга оширилди. Шундай қилиб, аневризмалар ва артериовеноз оқмаларни ташхислашнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар мажмуаси қон келувчи ва кетувчи томирларнинг ҳажми, жойлашиши ва ўзгаришлар даражаси ҳақида максимал маълумот олиш, шунингдек, режа ва усуллари белгилаш имконини берди.

Бизнинг назоратимиз остида 271 бемор бор эди. Уларнинг 138 нафари – (50,9 фоизи) томирлар шикастланиши ташкил қилади. Клиникага ётқизилган беморларнинг аҳволи: ўта оғир – 5 (3,6%), оғир – 26 (18,8%), ўртача – 42 (30,4%) ва қониқарли – 65 (47,1%) бемор. Томир жароҳатлари учун касалхонага ётқизиш давомийлиги $14,34 \pm 10,65$, $p < 0,05$. 2000-йилгача 110 (79,7%) бемор томирлари шикастланиши билан НГ га ётқизилган бўлса, 2000-2018 йилларда 28 (20,29%) бемор, $p < 0,05$. Беморларнинг ёши 10-70 ёш ва ундан катта бўлиб, улардан эркаклар – 124 (89,8%), аёллар – 14 (10,2%). Беморларнинг ўртача ёши $29,25 \pm 11,51$, $p > 0,05$.

Биз барча травматик томир жароҳатларини тешиб кирган ва тўмтоқ жароҳатларга ажратдик. Томирларининг шикастланишининг сабаблари тешиб кирган жароҳатлар эди. Пичоқ билан жароҳат – 45 (32,6%), ўқдан олган жароҳат 5 (3,6%) беморни ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда кўпинча Каррел тикувининг турли хил модификациялари қўлланилади. Агар жароҳат айлананинг $\frac{1}{2}$ қисми тўлиқ кесилган бўлса, биз айланма чокни қўллашни мақбул деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги вақтда томирларни тиклашнинг энг кенг тарқалган усули аутовеноз протез ҳисобланади. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, аутовеноз протезлар 6,3-

46,9% ҳолларда қўлланилади. Бизнинг тадқиқотимизда 45 (32,6%) беморда аутовеноз протезлар қўлланилган. Томир жароҳатларини даволаш натижалари: яхши – 114 (82,6%), қониқарли – 23 (16,6%), ампутация – 1 (0,7%).

